



TOSHKENT DAVLAT  
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

# KOMMUNIKATIV TILSHUNOSLIK VA TIL KOMPETENSIYALARI

O'QUV-USLUBIY MAJMUA

BOSH ILMIY-METODIK  
MARKAZ

2022



TOSHKENT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари  
(форс тили) модулининг тингловчилари учун



Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

**Н.Н. Нуриддинов** – Тошкент давлат шарқшунослик университети, PhD, катта ўқитувчи)

**Такризчилар:**

**А. Қуронбеков** – Тошкент давлат шарқшунослик университети, ф.ф.д., профессор)

**Ш. Ертоеv** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, доцент)

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022.

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕР- ФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	23
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	65
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	82
VI. ГЛОССАРИЙ.....	85
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	90



## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

“Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари” модули ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар

ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг чет тили коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмуида шаклланади.

Ушбу дастур мазкур курснинг коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, коммуникатив тилшунослик лингвокультурология, назарий грамматика, назарий фонетика каби тилшуносликнинг фундаментал йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ушбу замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, матн – кўп поғонали, мураккаб характерга эга тил бирлиги, мулоқотнинг асосий бирлиги ва ижтимоий таъсир этиш асбоби сифатида талқин этилади. Матн лингвистикасида тил ва маданият муносабатлари муҳим аҳамият касб этса, назарий грамматика эса тилнинг тузилиши ва универсалияларини когнитив, прагматик жиҳатдан талқин қилади. Бунда ижтимоий-маданий омил ва миллий дунё тасвири алоҳида ўрин эгаллайди, чунки маданий контекстни назарда тутмаган ҳолда матн моҳиятини мукамал тушуниб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бунинг иложи ҳам бўлмайди.

Ушбу мажмуа янги педагогик техногоялар ва тилшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида тубдан янгиланишни илгари суради ҳамда тингловчиларнинг таълим бериш сифатини кўтариш мақсадида дастурда турли эффектив ва замонавий педагогик технологиялар ишлатилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – тингловчиларда коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг методологик тамойиллари, асосий тушунча ва тамойиллари бўйича мутахассислик профилига мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда тингловчиларда матн билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

- коммуникатив тилшунослик тушунчаси бўйича таянч назарий ва амалий билимларни шакллантириш;
- коммуникатив компетенция тамойилларини билиш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари бўйича тингловчиларнинг кўникмаларини янада такомиллаштириш;
- CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенциялар;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспекти модули бўйича фойдаланиладиган анъанавий ва замонавий таҳлил методлари асосида лисоний ва маданий тузилмаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ва таҳлил ўтказиш кўникмаларини шакллантириш;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспекти бўйича турли билимлар тузилмалари ва ахборотнинг акс эттирилиши йўлларини ўрганишга қаратилган когнитив методларни амалда қўллаш олишни ўргатиш;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспекти таркибида ётган концептуал аҳамиятга эга ахборотни, муаллиф интенцияларини (мақсад) тадқиқот асосида очиқ бериш.

Хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида фонетик ва грамматик ҳодисалар, лингвистик атамалар, коммуникатив интенция (мақсад), коммуникация билан боғлиқ шарт-шароитлар, прагматик эффект ва коммуникация эффективлиги, прагматик, мақсадлар каби тушунчаларни ўрганишни назарда тутди.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар**

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули бўйича

тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- коммуникатив тилшунослик тушунчасини;
- коммуникатив компетенция тамойилларини;
- CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенцияларни;
- сўзлашув орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- тинглаш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- ёзиш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- ўқиш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- коммуникатив грамматика ва коммуникатив лексикани;
- концептларини интерпретация қилиш ва ўқитишни;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектларининг маданий концептлар, лингвокультурема, маънонинг маданият билан боғлиқ бўлаги, маданий муҳим ахборот, лингвокультурологик майдон (поле), лингвокультурологик ҳолат, миллий дунё тасвири ҳақидаги *билимларга* эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг асосий йўналишлари ва категорияларини англаш;
- коммуникатив тилшунослик модулининг методологик принциплари тамойиллари ва ёндашувларини фарқлаш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан қўллаш;
- сўз ва унинг семантикаси, тузилиши, матн категориялари, фонетик ва фонологик назариялар: информативлик, модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини ўзаро фарқлаш;



- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули бўйича назарий мавзуларни ва эгалланган ахборотни амалиётда қўллаш малакаларини эгаллаши зарур;

#### **Тингловчи:**

- мавзуларни таҳлил методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, сўз ва матн таҳлилининг статистик, инференция методи, матн таҳлилининг статистик методлари) билиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш;
- модул бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш, хулосалар бериш, умумлаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш;
- модул бўйича ортирилган малакаларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули Чет тили ўқитишдаги замонавий методлар, тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари, тилшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли таҳлили каби тилшуносликнинг йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);

- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари ўқув модули яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси		
		жами	жумладан	
			Назарий	Амалий машғулот
1.	Коммуникатив тилшунослик (زبانشناسی ارتباطی). Коммуникатив компетенция ва унинг тамойиллари (صلاحیت ارتباطی و اصول آن)	4	2	2
2.	Тил ўқитиш стандартларини ишлаб чиқиш асослари (مبانی تدوین استاندارد آموزش زبان).	4	2	2
3.	Форс тилини ўқитишнинг намунавий стандарти тавсифи (توصیف استاندارد مرجع آموزش (زبان فارسی)).	4	2	2
4.	Форс тилини ўқитишнинг замонавий методлари (روشهای نوین آموزش زبان فارسی).	2		2
5.	Форс тилини ўқитишнинг замонавий кўникмалари (مهارتهای نوین آموزش زبان فارسی).	4		4
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>12</b>

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-2-мавзулар. Коммуникатив тилшунослик (زبانشناسی ارتباطی).

#### Коммуникатив компетенция ва унинг тамойиллари

(صلاحیت ارتباطی و اصول آن)

Коммуникатив тилшунослик. Коммуникатив компетенция ва унинг тамойиллари. Таянч тушунчалар: CEFR, коммуникатив компетенция, лингвистик / грамматик компетенция, социолингвистик компетенция, прагматик компетенция / дискурсив компетенция ва стратегик компетенция. Мулоқот маҳорати, тил/грамматика аспекти, социолингвистик маҳорат, прагматик маҳорат, стратегик маҳорат.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### 3-4-мавзулар. Тил ўқитиш стандартларини ишлаб чиқиш асослари

(مبانی تدوین استاندارد آموزش زبان)

Стандартнинг таркибий қисмлари. Дунё стандартлари. Тил ўқитишнинг умумевропа стандартлари. Америка хорижий тиллар ташкилотининг тил ўқитиш стандарти (ACTFL). Канада баҳолаш тизими (CLB). CEFR (тил билиш даражасини аниқлаш миллий имтиҳон тизимлари) даражалари учун тил ўқитиш тамойиллари. Таянч тушунчалар: тил ўқитиш стандарти, CEFR, тил билиш даражаси, шакл, мазмун.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### 5-6-мавзулар. Форс тилини ўқитишнинг намунавий стандарти

тавсифи (توصیف استاندارد مرجع آموزش زبان فارسی)

Саъдий фондининг намунавий стандарти (استاندارد مرجع بنیاد سعدی). Саъдий фондининг намунавий стандартида таърифланган тил ўрганиш даражалари. Ҳар бир даражада назарда тутилган таълимий мақсад. Таянч тушунчалар: (سطح نوآموز) босқичининг таълимий мақсади. Бошланғич (سطح مقدماتی) босқичининг таълимий мақсади. Илк ўрта (سطح پیش میانی) босқичининг таълимий мақсади. Ўрта (سطح میانی) босқичининг таълимий мақсади. Юқори ўрта (سطح فوق)

میانی) босқичнинг таълимий мақсади. Юқори (سطح پیشرفته) босқичнинг таълимий мақсади. Моҳир (سطح ماهر) босқичининг таълимий мақсади. Ижро этиш усули ва форс тилини ўқитишнинг таквимий режаси. Таянч тушунчалар: намунавий стандарт, тил ўрганиш даражалари, таълимий мақсад.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, БББИ, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### **7-мавзу. Форс тилини ўқитишнинг замонавий методлари**

(روشهاى نوین آموزش زبان فارسى)

Ўқув режаси ва дарсни режалаштириш (برنامه درسى و طراحی درس). Уй вазифалари ва машғулотларни лойиҳалаш (طراحی تکلیف ها و فعالیت ها). Ўқитиш ва синфни бошқариш (تدریس و مدیریت کلاس). Таянч тушунчалар: ўқув режа, дарсни режалаштириш, уй вазифаси, лойиҳалаш, синфни бошқариш.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, кейс, ўз-ўзини назорат*

### **8-9-мавзулар. Форс тилини ўқитишнинг замонавий кўникмалари**

(مهارتهای نوین آموزش زبان فارسى)

Ўқиш кўникмаси (مهارت خوانداری). Ўқиш тушунчаси ўтмишда ва ҳозирда. Ўқиш кўникмасининг турлари. Кўпчилик ҳузурида ўқишнинг аҳамияти. Чет тилидаги матнларни ўқиш борасида тадқиқот. Эшитиш кўникмаси (مهارت شنیداری). Эшитиш кўникмасини ўрганиш. ОАВ хабарларини эшитиш. Эшитиш кўникмаси бўйича машқлар. Оғзаки нутқ (сўзлашув) кўникмаси (مهارت گفتاری). Сўзлашув кўникмасининг турлари. Дарс жараёнида сўзлашув кўникмасига оид бажариладиган амаллар. Сухбат шаклларида оид машқлар. Шеърый матн асосида сухбат. Ёзиш кўникмаси (مهارت نوشتاری). Тил тўғрисида олинган билимларни мустаҳкамлаш учун ёзиш. Алоқа ўрнатиш учун ёзиш. Ёзиш кўникмасига оид машқлар. Грамматик кўникма (مهارت دستوری). Грамматик структураларни ўқитиш тарихи. Хорижий тилни ўқитишда грамматик кўникманинг аҳамияти. Лексик кўникма (مهارت واژگانی). Хорижий тилни ўқитишда лексик кўникманинг ўрни. Тил кўникмаларини бир пайтда ўзлаштириш. Таянч тушунчалар: тил кўникмалари, ўқиш кўникмаси, эшитиш кўникмаси, сўзлашув кўникмаси, ёзиш кўникмаси, грамматик кўникма, лексик

кўникма.

Қўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ақлий ҳужум” – инглизча “**brain storming**” сўзларидан олинган бўлиб, бирор муаммо бўйича иштирокчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. Бу метод ақлий фаолликни қўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради. Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А. Осборн билан боғлиқ. 50-йилларнинг охирига келиб америкалик психолог А. Осборн ўзи ишлаётган университетда “Ақлий ҳужум” методини кутилмаган ғоя ва таклифлар тўплаш, мураккаб бўлмаган масалаларни ечиш усули сифатида тарғиб қила бошлади. Ижодий фаолликнинг ва маҳсулдорликнинг стимулятори ҳисобланган “Ақлий ҳужум” методи асосан янги, оригинал фикрларнинг туғилишига қаршилик кўрсатувчи танқидий муҳитнинг йўқлиги деб аталган психологик механизмга таянади.

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим

олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим оловчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим оловчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.



“Ақлий ҳужум” куйидаги қоидалар бўйича ўтказилади: -фикр ҳеч қандай чекланмаган ҳолда, иложи борича баландроқ овозда айтилиши лозим; -ҳар қандай фикрни айтиш мумкин, у қабул қилинади; -ғояларга тушунтириш берилмайди, улар вазифаларга бевосита боғлиқ ҳолда айтилади; -таклифлар бериш тўхтатилмагунча, айтилган ғояларни танқид ёки муҳокама қилишга йўл қўйилмайди.

Самарали ақлий ҳужум учун босқичлар: 1.Иштирокчиларни мажбурий бўлмаган ҳолда ўтказинг. 2.Фикрларни баён қилиш учун қоғоз ва доскани тайёрланг. 3.Ақлий ҳужум иштирокчиларига муаммони етказиш керак. 4. Иш тартибини аниқланг: а) фикрлар ташланганда уларни баҳоламанг б) доимий фикрлаш озодлиги с) қанча ақлли фикр кўп бўлса, шунча яхши д) “ушланг”, “тутинг” бошқаларнинг фикрларини ривожлантиринг 5. Фикрлар тўғрисида суриштиринг ва тезда уларни ёзинг. 6. Қоғоз варағи тўлдирилганда, уни муҳокама учун қўйинг. 7.Ўз ғояларингизни қўшиб янги ғояни рағбатлантиринг. 8.Бошқалар фикрини танқид қилиш ёки устидан кулиш керак эмас, кулгига йўл қўйманг.

Шундай қилиб, “Ақлий ҳужум” методи дастлаб АҚШ, Англия, Франция

сўнгра Японияда ишлатилди. 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан бошлаб эса Ўзбекистонда ишлатила бошланди.

**“БББ” график органайзери** - бирор матн ёки мавзунини интерфаол ўқиш-ўзлаштириш усулларида бири бўлиб, жадвал кўринишида бажарилади ва қуйидагича қўлланилади: таълим олувчиларга бирор мавзу эълон қилинади. Бу тўғрида уларга маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг “Биламан” қисмига, мавзу бўйича яна қандай маълумотларни билишни хоҳлашса, уларни жадвалнинг “Билишни хоҳлайман” қисмига ёзадилар. Сўнгра, уларга мавзуга оид матн тарқатилади. Улар микрогуруҳлар таркибида матнни мустақил ўзлаштириб, жадвалнинг “Билиб олдим” қисмини тўлдирадилар. Ҳар бир гуруҳ сардори тузилган жадвалларни тақдим қилади. Жадвалнинг барча қисмлари таққосланади.

“БББ” график органайзери талабаларга форс тилидаги мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда ўқитувчи томонидан талабаларга қоғозда акс этган қуйидаги жадвал тарқатилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

مى دائم	مى خواهم بدانم	دانشته ام

Талабаларнинг мавзу бўйича билим даражалари ўрганилади. Талабалар ўзлари билган тушунчаларни жадвалнинг биринчи устунига ёзиб қўядилар.

Ўқитувчи томонидан мавзуга доир янги тушунчалар берилади ва талабалар ўзлари билишни хоҳлаган тушунчаларни жадвалнинг иккинчи устунига ёзиб оладилар. Ўқитувчи мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништиради. Дарс сўнгида талабалар билиб олган тушунчаларини жадвалнинг сўнги устунига ёзиб қўядилар. Бу жадвал талабаларга олган билимларини



баҳолаш имконини беради. Дарс сўнгида ушбу жадвал туширилган иш қоғозлари ўқитувчига йиғиб берилади. Ўқитувчи ушбу жадвалдаги устунларнинг талабалар томонидан тўлдирилиш даражасини ўрганиб чиқиши натижасида ўзига баҳо бериш имконига эга бўлади. Талбаларга янги мавзуни тушунтиришда қай даражада таъсир кўрсата олганлиги намоён бўлади.

**Кроссворд – ўйин методи.** Кроссворд ўйини ХХ асрнинг бошларида пайдо бўлди ва ўзининг қизиқарлилиги билан қисқа вақт ичида бутун дунёга тарқалди. “Кроссворд” сўзи инглизча сўздан олинган бўлиб, “cross” – “кесиш ўтиш” ва “word” – “сўз” сўзларининг бирикмасидир ва у бошқотирма маъносини англатади. Кроссвордлар шакли ва ҳажми жиҳатидан жуда кўп турли бўлади.

Кроссвордга оид муҳим педагогик-психологик жиҳатлар устида тўхталиб ўтамиз: Талаба учун кроссворд: 1. Ўйин характерига эга. Бу хусусият мавзуни осон эгаллаш имконини беради. Чунки инсоннинг руҳияти мавзуни ўйин орқали қабул қилишга мойилдир. 2. Хотирани чиниктиради. 3. Фикрлаш доирасини кенгайтиради, ақлни пешлайди. 4. Англаш ва фаҳмлаш қобилиятини ривожлантиради. 5. Сўз бойлигини оширади. 6. Изланувчанликни вужудга келтиради. 7. Интеллектуал салоҳиятни кенгайтиради. 8. Мустақил фикрлаш кўникмасини ҳосил қилади ва шакллантиради. 9. Бўш вақтни мазмунли ўтказиш имконини беради.



Ўқитувчи учун кроссворд: 1. Кроссворд ўқув жараёнида талабаларнинг олган билимини аниқлашнинг барча назорат босқичларида (жорий, оралик ва

якуний назорат босқичларида) қўлланиши мумкин. 2. Кроссворддан талабаларнинг мустақил билим олишини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, талабалар ўзлаштириши керак бўлган мавзу бўйича мустақил равишда кроссворд тузиш топшириғини бажариши ҳам мустақил билим олишнинг бир турини ташкил этади. 3. Кроссворд барча фанлар бўйича тузилиши мумкин. Кроссворднинг юқорида келтирилган жиҳатлари дарсларда қўлланиши учун тўлиқ асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Кроссворд ёрдамида талаба билимини текширишнинг бу усулу ўқитувчига аудитория дарси вақтидан унумли фойдаланишга ва талабанинг таълим олишдаги фаоллигини оширишга имкон беради. Бирданига амалга оширилган бундай назорат тури талаба учун ҳам қизиқарли ҳамда шу кунгача эгаллаган назарий ва амалий билим ва кўникмаларни текшириш, ўзига бўлган ишончи ва зехнини яна бир марта синаш имконини беради.


**“Кластер”** (тармоқ, ғунча, боғлам) методи - таълим олувчиларга берилган муаммолар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш ва турли жавоблар ўртасида боғлиқлик ўрнатиш ҳамда гуруҳлаш имкониятини яратувчи методдир. “Кластер”лар ғояси-ни ишлаб чиққан олимлар Жени Стил ва Стил (1991) ҳисобланади.

“Кластер” лотинча сўз бўлиб, “ғунча”, “боғлам” маъносини англатади. Кластер методи бирор объект, предмет, тушунча билан боғлиқ бўлган атамалар, сўзлар, ибораларни жамлаш ва ўзаро боғлиқликда кўргазмали шаклда ифода этишдан иборат. Шунга кўра бу методни ахборотларни ёйиш методи деб ҳам аташ мумкин. Мазкур метод турли хил тушунчалар, ғоялар ўртасидаги боғлиқликларни муайян тизимли график шаклда тасвирлаш орқали улар тўғрисида бир мунча яққол фикрлаш имкониятини беради.

“Кластер” методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, ўқувчи-талабаларга исталган муаммо (мавзулар) хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларини бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Бу метод аниқ объектга йўналтирилган фикрлаш шакли саналади.

Кластер методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб

этилади: -ниманики ўйлаган бўлсангиз шуни қоғозга ёзинг; -фикрингизнинг сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб бординг; -сўзлардаги имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг; -белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг; -агар маълум бир муддат бирор бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсани расмини чиза бошланг, бу ҳаракатни янги ғоя туғулгунига қадар давом эттиринг; -муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриг хамда ғоялар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг; -ғоялар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.



Кластерлар тузиш методидан машғулот бошланишида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. Ундан ўқувчи-талабаларнинг муайян мавзуни синчиклаб тўлиқ ўргангунларича фаол фикрлаш фаолиятини таъминлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Кластерлар тузиш ўқувчи-талабаларнинг тасаввурларини янги боғланишлар билан бойитиш, уларни график кўринишда ифодалаш хамда мавзу бўйича якуний муҳокама ўтказиш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бу уларнинг янги билимларни яхши ўзлаштириши, муайян мавзу тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш ва унга тегишли боғлиқлик-ларни тушунишларига йўл очадиган стратегиядир. Кластер тузиш кетма-кетлиги қуйидагича: - калит сўз ёзилади; - калит сўзга тааллуқли сўзлар ёзилади; - сўзлар ўртасидаги боғлиқликлар кўрсатилади; - сўзлар тармоқлаб

чиқилади; - тармоқлар таҳлил қилинади.



Кластерни кўпроқ “англаш”, “тушуниш” фазасида қўллаган маъқул. Чунки бу ўқувчи-талабаларга ўқув материалларини нафақат мустақил ва фаол ўзлаштириш, балки ўз тушунчаларини кузатиб бориш имконини ҳам беради.




“Венн диаграммаси” методи. Бу методга инглиз файласуфи, математики, мантиқшуноси Жон Венн асос солган. Мазкур метод ўқувчи-талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.


Методни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат: – ўқувчи-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади; – синф доскасига “Венн диаграммаси”нинг схемаси чизилади ва бу схемани тўлдириш қодалари тушунтириб берилади; – ҳар бир кичик гуруҳга ўрганилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади; – доскага топшириқни бажариш учун зарур бўлган турли усулларда тайёрланган маълумотлар илиб қўйилади, улар чизиб ёки ёзиб ҳам акс эттирилиши мумкин; – топшириқлар бажарилгач, ҳар бир кичик



гурух аъзолари орасидан лидерлар танланади; – лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, доскада чизилган “Венн диаграммаси”ни тўлдирадилар, бу ўқув гуруҳининг умумий иш натижаси бўлади; – ўқув гуруҳининг умумий “Венн диаграммаси” якуний муҳокама, таҳлил қилинади, тақдимот ўтказилади.



Метод ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу методдан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



“ФСМУ” методи – ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозарлар ўтказишда ёки ўқув семинари якунида, бирор бир бўлим ўрганилгандан сўнг қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда

таълим олувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳам тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.


ФСМУ методининг умумий схемаси:

**Ф**-фикрингизни баён этинг;

**С**-фикрингиз баёнига бирор бир сабаб кўрсатинг;

**М**-кўрсатилган сабабни исботловчи мисол келтиринг;

**У**-фикрингизни умумлаштиринг.



Мазкур метод машғулотда ўрганилаётган мавзунинг муҳокамаси жараёнида унга доир масалалар бўйича талабалар ўз фикрларини баён қилишлари, шу фикрларни асословчи сабабларни кўрсатишлари, уларни тасдиқловчи мисолларни келтиришлари ва пировардида умумлаштирувчи хулосалар чиқаришларини ўргатиш ва машқ қилдириш методидир.

Ўқитувчи вазифани бажариш учун вақтни белгилаб эълон қилади. Вазифаларни бажариш вақтида умумий раҳбарликни амалга оширади. Талабалар ўзларига берилган вазифани бажариб бўлгандан сўнг, уларнинг умумий муҳокамасини ташкил қилади. Вазифани энг яхши бажарганлар рағбатлантирилади.

Қайд этилган барча методларнинг ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифаларининг умумийлиги, талабаларнинг таҳсил олиши ва мулоқотдаги

шахсий маъсулиятини тақозо этиши шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг мавжудлигидадир.

Юқорида келтирилган замонавий педагогик технология турлари хорижий тилларни, хусусан, форс тилини ўрганишда катта аҳамият касб этади, зеро кичик гуруҳларда ҳар бир иштирокчининг ўз фикрини билдириб, гуруҳ раёларини шакллантириши ўрганилаётган мавзунинг талаба онгида чуқур сингишини намоён қилмоқда. Бу эса талабаларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларини янада ортишига сабаб бўлади.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, хорижий тилларни турли интерфаол усуллар ва график организаерлар орқали ўқитилиши ўқитувчи томонидан берилган билимларни талабалар хотирасида яхши сақланишига, дарс сифати ва талабалар билим даражасига ижобий таъсир кўрсатади.





## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

MAVZU  
№ 1

Коммуникатив тилшунослик ( زبانشناسی )  
(ارتباطی). Коммуникатив компетенция ва  
унинг тамойиллари ( صلاحیت ارتباطی و اصول آن )

**Маъруза режаси:**

1. Коммуникация ва унинг турлари
2. Коммуникатив тилшунослик ва унинг тармоқлари

Муомала кишилар ўртасидаги ахборот олиш ва бериш жараёнидир. Муомала кишиларнинг бир-бирига ўзаро таъсир қилиш жараёнидир. Муомала воситаси тил ҳисобланади. Муомала орқали кишилар амалий ва назарий фаолиятларини ташкиллайдилар, ахборот алмашадилар, бир-бирларини тушунадилар, бир-бирлари билан келишадилар, мақсадга қаратилган ҳаракат дастурларини тузадилар, бир-бирларига ўзаро таъсир ўтказадилар. Муомала жараёнида шахслар ўртасидаги муносабатлар шаклланади, юзага чиқади ва амалга ошади. Муомала тил воситаси билан - вербал, ёки тилнинг иштирокисиз-новербал амалга оширилиши мумкин. Вербал муомала жараёнида сўз муҳим ўрин тутди. Сўз талаффуз қилиниши, ички нутқда такрорланиши, ёзилиши, махсус ишоралар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Нутқ оғзаки ёки ёзма бўлиши, монолог ёки диалог шаклида ифодаланиши мумкин. Муомала фақат кишилар ўртасидаги ахборот алмашишдангина иборат бўлмай, балки кишиларнинг ҳис-ҳаяжонларини ҳам қамраб олади. Муомаланинг бу жиҳати – новербал коммуникацияни ташкил қилади. Новербал муомала воситалари бўлиб имо-ишора, ҳаракат, оҳанг, интонация, пауза, кулги, табассум, кўз ёши ва бошқалар хизмат қилиши мумкин. Новербал воситалар вербал муомалани тўлдиради. Новербал воситалар ёрдамида бир сўзга кўплаб маъно бериш мумкин. Тилларни ўргатишда шу тил соҳибига хос бўлган новербал воситаларни ҳам ўргатиш лозим. Акс ҳолда чет тили тўла ўзлаштирилмайди. Чунки турли тиллардаги новербал воситалар бир-биридан фарқ қилади.

Гапиришни ўргатиш жараёнида талабаларни юзма-юз ўтқазиб ижобий самара беради. Муомала жараёнида тилга ҳос бўлган новербал воситалардан тўғри фойдаланиш муомала маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Муомала мураккаб кўп қиррали жараён дир. Муомала жараёнининг қуйидаги уч томонини таъкидлаш лозим, улар: 1. Коммуникатив ёки ахборот алмашиш. 2. Интерактив ёки муомала жараёнида нафақат сўз билан, балки ҳаракат билан алоқада бўлиш. 3. Персептив ёки кишини киши томонидан идрок қилиш, тушуниш ва баҳолаш, шу асосда муомалада бўлиш (кўринишини, билимини, ҳаракатларини, у ҳақидаги фикрларни... ).

Муомала иштирокчиларига кўра унинг бир неча турларини фарқлаш мумкин. Биз учун энг муҳими таълимий муомаладир. Таълимий муомала



деганда педагог ва талабанинг ўзаро муносабати, муомаласи тушунилади. Педагог ва ўқувчилар ўртасида самимий муомала жараёнини вужудга келтирмай туриб таълим ва тарбияга оид вазифаларни амалга ошириш мумкин эмас. Таълимий муомалада педагог ташаббускор бўлиб, ушбу жараёни ташкил қилади ва бошқаради. Педагог муомала жараёнида уч хил йўл тутиши мумкин: 1. Демократик йўл- вазифаларни белгилаш ва бажаришда педагог ва талабалар фаол иштирок этадилар. Ҳамма тенг ҳуқуқли ҳисобланади. 2. Авторитар йўл-барча масалаларни педагог ҳал қилади, талабалар фақат бажарувчи бўлиб қоладилар. 3. Либерал йўл- педагог фақат тушунтириш, ишонтириш, кўндириш билан чегараланади, талабчанлик қилмайди. Ҳамма иш ўз ҳолига ташлаб қўйилади.

Тажриба авторитар ва демократик йўллар уйғунлашган усул билан ишлаш ижобий самара беришини кўрсатади. Муомала а) расмий, б) норасмий бўлиши мумкин. Расмий муомалага: ўқитувчи-ўқувчи, врач-мижоз, сотувчи-харидор, раҳбар-ходим ва бошқалар ўртасидаги муомала киради. Норасмий муомалага шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланган муомалани кўрсатиш мумкин. Норасмий муомаланинг олий формаси севги ва дўстликдир. Муомалада норасмийликка интилиш кишиликка хос бўлган хислатдир. Кишилар билан норасмий муомала қилиш қобилияти қуйидагиларга боғлиқ: - шахсий хислатларга (муомалага интилиш, ишонч, тортинмаслик ва бошқалар); - муомалага усталик (алоқа ўрната билиш, суҳбатдошни тушуна билиш, унинг хислатларини ўзига хос хусусиятларини кўра билиш, вазиятни юмшата билиш ва бошқалар); - муомала одобини, назокатини сақлай билиш. Муомала одоби деганда кишининг муомала жараёнида ундан кутилаётган вербал ва новербал воситаларни ишлата билиш қобилияти ва маҳорати тушунилади. Одоби, хушмуомала, назокатли киши ҳар доим вазиятни тўғри баҳолай олади ва ундан кутилаётган муомалани қилади. Муомала мезонларини билмаслик ва уларни бузиш одобсизлик ҳисобланади. Одобсизлик эса ўзаро келишмовчиликларга олиб келади. Натижада муомала маданияти бузилади, муносабатлар таранглашади, салбий натижалар келиб чиқади ва ишга путур етади. Барча фаолиятга ўргатилгани каби, муомалага ҳам ўргатилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилнинг бевосита ҳаракатдаги, муомаладаги кўриниши ўрганила бошланди ва унда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлашга киришилди. Тилнинг ривожланиши кишиларнинг ҳаёти, уларнинг нутқ фаолиятлари билан боғлиқ равишда ўрганила бошланди. Тилшунослик фанида тилнинг ушбу томони унинг коммуникатив аспекти деб ном олди. Бу коммуникатив тилшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Коммуникатив тилшуносликнинг қуйидаги тармоқлари мавжуд: 1. Психоллингвистика. 2. Социоллингвистика. 3. Матн тилшунослиги. 4. Прагматик тилшунослик.

Коммуникатив тилшунослик қуйидаги масалалар билан шуғулланади:

- Коммуникация жараёни, унинг моҳияти, қонуниятлари, тузилиши, шарт-шароитлари, хусусиятлари, таркибий қисмлари ва бошқалар.
- Муомаланинг ахборот алмашиш жараёни эканлиги.
- Муомаланинг кишиларнинг ўзаро таъсир қилиш жараёни эканлиги.

- Муомаладаги ижтимоий назорат масалалари.
- Муомаладаги мезон ва меъёр.
- Муомаладаги роллар масаласи.
- Муомала маданияти ва одоби.
- Муомала турлари.
- Табиий муомала.
- Муомала жараёнидаги қайта боғланиш.
- Муомаланинг миллий хусусиятлари.
- Муомала жараёнининг шахснинг шаклланиши ва ривожланишига таъсири.

- Муомала трейнинги (машқи).

Компетентциявий ёндашув деганда нимани тушунамиз? “Competence” сўзи “to compete” сўздан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса “мусобақалашмоқга лаёқатлилиқ” маъносида келади. Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилиқ ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарақ бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-тумандир. Атаманинг моҳияти шунингдек, “самарадорлиқ”, “мослашувчанлиқ”, “ютуқлилиқ”, “муваффақиятлиқ”, “тушунувчанлиқ”, “натижалиқ”, “уқувлилиқ”, “хосса”, “хусусият”, “сифат”, “миқдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда. “Компетентлилиқ”, “компетенция” тушунчалари тавсифларида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади: \* билимлар мажмуининг амалда қўлланилиши; \* шахснинг уқуви, хислатлари, фазилатлари; \* амалий фаолиятга тайёргарлик ўлчови; \* муаммоларни ҳал этиш, амалда зарур натижаларни қўлга киритиш лаёқати; \* шахснинг профессионал фаолиятини таъминловчи билим, кўникма, малакалар яхлитлиги; \* фаоллашган (амалиётга татбиқ этилган) ўқув, билим, тажрибалар мажмуи; \* шахснинг мақсадли йўналтирилган эмоционал ирода кучи. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалиқ, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат. Чет тили коммуникатив компетенцияси – ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир. Компетенциялар қуйидаги гуруҳларга ажратилади: **Лингвистик компетенция** – тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутаяди. **Социолингвистик компетенция** – сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари,

маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутати. **Прагматик компетенция** – ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутати. Мазкур стандартда **дискурс компетенцияси** прагматик компетенция таркибига киритилди. Мазкур компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутати.

## MAVZU № 2

### Тил ўқитиш стандартларини ишлаб чиқиш асослари (مبانی تدوین استاندارد (آموزش زبان)).

#### Маъруза режаси:

1. Давлат таълим стандарти ва унинг тузилиши
2. Битирувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблар.

Давлат таълим стандартлари ўқувчи ва талабаларнинг чет тиллар бўйича билим ва тайёргарлик даражаларини белгилаб беради, ўқув режа ва дастурлар, дарсликлар, қўлланмаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ва қонун ҳужжатлари асос қилиб олинди:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

Бирлашган миллатлар ташкилотининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси;

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 1999 йил 16 августдаги 390-сон ва "Ўрта махсус таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарорлари;

- O`z DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаштириш тизими. Асосий қоидалар;

- O`z DSt 1.1:1992. Ўзбекистон стандартлаштириш тизими. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

- O`z DSt 1157:2008. Ҳужжатларни унификациялаштириш тизими. Ташкилий-фармойиш ҳужжатлар тизими. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида Давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда чет тилини ўрганиш куйидаги босқичларда амалга оширилади:

<b>Таълим босқичи</b>	<b>Битирувчилар</b>	<b>Умумевропа халқаро стандарти даражалари</b>	<b>Даража номланиши</b>
<b>Умумий ўрта таълим</b>	Бошланғич синф (4-синф) битирувчилари	<b>A 1</b>	Чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражаси
	9-синф битирувчилари	<b>A 2</b>	Чет тилини ўрганишнинг таянч даражаси
	Чет тиллар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари	<b>A 2+</b>	Чет тилини ўрганишнинг кучайтирилган таянч даражаси
<b>Ўрта махсув ва касб-хунар таълими</b>	Чет тилларга ихтисослашмаган академик лицейлар битирувчилари	<b>B 1</b>	Чет тилини ўрганишнинг мустақил бошланғич даражаси
	Касб-хунар коллежлари битирувчилари		
	Чет тилларга ихтисослашган академик лицейлар битирувчилари (иккинчи чет тили)		
	Чет тилларга ихтисослашган академик лицейлар битирувчилари	<b>B 1+</b>	Чет тилини ўрганишнинг кучайтирилган мустақил бошланғич даражаси
<b>Олий таълим</b>	Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалаврият босқичи битирувчилари	<b>B 2</b>	Чет тилини ўрганишнинг мустақил мулоқот даражаси
	Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари		

	магистратура босқичи битирувчилари		
	Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалаврият босқичи битирувчилари (иккинчи чет тили)		
	Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалаврият босқичи битирувчилари	<b>C1</b>	Чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқот даражаси
	Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари магистратура босқичи битирувчилари		

Мазкур стандарт асосида чет тиллари (инглиз, француз, немис ва бошқа тиллар) бўйича таълим муассасаси хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлат аттестацияси учун назорат-баҳолаш кўрсаткичлари, ўқув дастурлар ишлаб чиқилади ва тегишли вазирликларнинг буйруқлари билан тасдиқланади.

#### **Давлат таълим стандартининг тузилиши**

Чет тиллар бўйича узлуксиз таълим учун давлат таълим стандарти қуйидагиларни белгилаб беради:

ўқув фанининг мақсад ва вазифалари;

чет тилини ўқитиш ва ўрганишнинг мазмуни;

таълимнинг барча босқичларида таълим муассасалари битирувчиларининг мажбурий тайёргарлик даражаларига қўйиладиган талаблар.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат.

Чет тили коммуникатив компетенцияси - ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир.

Таълим мазмуни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг фанлар бўйича ўқув дастурларига киритилган мавзулардан иборат. Ўқув материали таълимнинг барча турларида узвийлик, узлуксизлик ва даврийликни таъминлайди.

Ҳар бир таълим босқичида мазкур стандарт мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқишда минимум сифатида фойдаланилади.

**Битирувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблар.**

Битирувчиларнинг чет тиллар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблар таълим мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилган, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим бўйича узвий бўлиб, нутқ кўникма ва малакаларнинг дескрипторлари "can do" мазмунида тасвирланган ҳамда керакли жойларда грамматика, лексика, фонетика ва орфография билан тўлдирилган. Халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида нутқ кўникма ва малакаларнинг дескрипторлари чет тилларни билишнинг умумевропа тизимига ўзаро боғлиқ ҳолда олинди ҳамда улар содда ва тушунарли шаклда берилди. Битирувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, дескрипторлар:

- ҳар бир даражани тўлиқ эгалланганликни таъминлаш учун таълимнинг барча босқичида ўқув дастурлари ва дарсликларни ишлаб чиқишда тузувчилар томонидан инобатга олиниши;

- Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг давлат аттестацияси учун баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда назарда тутилиши лозим.

**Чет тили бўйича А1 даража битирувчилари тайёргарлиги даражасига қўйиладиган ТАЛАБЛАР**

Компетенциялар		Билиш ва қўллай олиш	
Лингвистик компетенция	Нутқий компетенция	Тинглаб тушуниш	Содда йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади. Содда саволлар ва гапларни тушуна олади. Содда шеърлар, хикоялар, кўшиқларни тушуна олади. Таниш контекстларда содда аутентик нутқни тушуна олади.
		Гапириш	<b>Диалог.</b> Маълумот сўрай ва маълумот бера олади. Ёрдам сўраб мурожаат қила олади. Содда савол-жавоб қила олади. <b>Монолог.</b> Яшаш жойи, оила, дўстлари ва танишлари ҳақида гапира олади. Ўзини таништира олади, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсалари ҳақида гапира олади. Таниш мавзуда жуда қисқа тақдимотлар қила олади.
		Ўқиш	Таниш мавзуларда маълумот берувчи матнларнинг асосий мазмунини тушуна олади. Жой ёки инсонлар тасвирланган қисқача матнни (зарур ҳолларда кўргазмалардан фойдаланган ҳолда) тушуна олади.

			Содда хабарларни, масалан оддий хатлар, электрон хатларни тушуна олади. Содда ёзма йўриқнома ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади.
		Ёзиш	Шахсий содда хабарларни (табриклар, қайдлар, электрон хатлар) ёза олади. Шахсий маълумотлар (исм-шариф, яшаш манзили ва ҳоказо) билан содда анкетани тўлдиролди. Содда шеър ва ҳикоялар ёза олади.
	Тил ком- пе- тен- ция- си	Фоне- тик ком- пе- тен- ция	Чет тилининг барча товушларини аниқ талаффуз эта олади. Сўз ва гап урғусини тўғри қўя олади. Коммуникатив вазиятларда интонация моделларини фарқлай билади ва улардан фойдалана олади.
		Лек- сик ком- пе- тен- ция	Ўзлаштирилган лексик воситаларни контекст (матн)да қўллай олади. Мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўллай олади. Баъзи байналминал сўзлар ва турдош сўзларни фарқлай олади ҳамда уларни қўллай олади.
		Грам- матик ком- пе- тен- ция	Коммуникатив вазиятларда содда грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллай олади. Сўз ва сўз бирикмаларини "ва" боғловчиси билан боғлай олади. Феъл шакллари ва содда пайт равишдошларидан фойдаланган ҳолда гапларни тўғри баён қилади ва ҳикоялар ҳамда воқеаларни тўғри кетма-кетликда таърифлай олади.

**Чет тили бўйича А2 ва А2+ даража битирувчилари  
тайёргарлиги даражасига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

Компетенция		Билиш ва қўллай олиш	
Линг- вис- тик ком- пе- тен- ция	Нут- қий ком- пе- тен- ция	Тинг- лаб тушу- ниш	<b>А2</b> Ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларига бевосита боғлиқ бўлган гап ва ибораларни тушуна олади. Бирор ерга бориш бўйича содда йўриқномаларни тушуна олади. Содда хабарлар ва эълонлардаги асосий маъноларни тушуна олади.
			<b>А2+</b> Кундалик мавзулардаги тасмага ёзилган парчалардан муҳим маълумотларни тушуна олади. Муҳокама этилаётган масаланинг асосий мавзусини аниқлай олади.

		Гапи-риш	<p><b>Диалог.</b></p> <p><b>A2</b></p> <p>Тўғри маълумот ола билади ва бера олади. Саломлаша олади ва мурожаат қила олади. Таклиф, тавсия қила олади ва таклифга жавоб бера олади, узр сўрашнинг содда кундалик шакллари ишлата олади. Қисқа мулоқотда иштирок эта олади. Содда иборалардан фойдаланиб таниш мавзуда ўз фикрини ифода эта олади. Содда юмушлар (масалан чипталар сотиб олиш, харид қилиш, ошхонада таом буюра олиш)ни амалга ошира олади. Тушунмаганлигини билдира олади.</p> <p><b>A2+</b></p> <p>Оммавий вазиятларда одамлар билан мулоқотга кириша олади. Қисқа суҳбатларда ўз режалари ҳақида муаммосиз иштирок эта олади (масалан, кечқурун ёки дам олиш кунлари режалари бўйича). Кундалик ҳаётга оид ўзи қизиққан ёки ўзига бевосита алоқадор мавзуларда қисқа суҳбатларда иштирок эта олади. Олдиндан режалаштирилган кундалик суҳбатларда маълум таниш мавзуларда савол-жавоб қила олади, фикр ва маълумот алмаша олади. Бошқалар фикрига қўшилиш ёки қўшилмасликни ифодалай олади. Чет тилида маълумот, йўриқномалар ва бошқалар юзасидан тегишли жавобларни қайтара олади (масалан кўчада ўрганилаётган тил соҳиби бўлган сўзлашувчи мурожаат қилганда).</p>
<p><b>Монолог.</b></p> <p><b>A2</b></p> <p>Одамлар, яшаш ёки иш жойи шароитлари, кундалик ишлар, ёқтирган/ёқтирмаган нарсалар ва бошқаларни содда қилиб тасвирлай олади ёки тақдимот қила олади. Содда иборалар билан одамлар, жойлар ва буюмларни тасвирлай олади.</p>			
<p><b>A2+</b></p> <p>Таниш мавзуда қисқа тақдимот қила олади. Нимани ёқтириши ёки ёқтирмаслигини тушунтира олади.</p>			



		<p>Тадбир ёки воқеа-ҳодиса ҳақида қисқа маълумот бера олади.</p> <p>Режалар, тадбирлар, одатлар ва тажрибаларни тасвирлай олади.</p> <p>Содда иборалар билан предметлар ва ўзига тегишли нарсаларни қиёслай олади.</p>
	Ўқиш	<p><b>A2</b></p> <p>Жуда қисқа содда аутентик ва ярим-аутентик матнларни тушуна олади.</p> <p>Қисқа шахсий содда хабарлар ва хатларни тушуна олади.</p> <p>Жамоат жойларидаги умумий белгилар ва эълонларни тушуна олади.</p> <p>Содда ёзма кўрсатмаларни тушуна олади.</p> <p>Рўйхатлар, веб-сайтлар, қўлланмалар ва бошқалардаги махсус маълумотларни қидириб топа олади.</p> <p><b>A2+</b></p> <p>Стандарт хатларнинг асосий турларини тушуна олади (масалан, тасдиқлаш хати каби).</p> <p>Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган қисқа хабар ва кичик мақолаларни тушуна олади.</p> <p>Товарлар ва асбоб-ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади.</p> <p>Фактларга асосланган матнларда, масалан брошюралар, рекламалар, газета эълонларидан махсус маълумотларни топа олади.</p> <p>Баъзи нотаниш сўзларнинг маъносини контекстга қараб аниқлай олади.</p>
	Ёзиш	<p><b>A2</b></p> <p>Содда қисқа хат ва хабарлар ёза олади (масалан, миннатдорчилик билдириш, узр сўраш хатлари).</p> <p>Анкетани турли шахсий маълумотлар билан тўлдира олади (исм-шарифи, манзили, телефон рақами, миллати, ота-онаси билан уланиш ҳақида маълумотлар ва ҳоказо).</p> <p>Кундалик турмуш ҳақида ёза олади.</p> <p>Содда биография ёза олади.</p> <p>Содда шеърлар ёза олади.</p> <p><b>A2+</b></p> <p>Тадбирлар ва шахсий тажрибаларни тасвирлаб ёза олади.</p> <p>Оғзаки хабарни тушунарли қилиб ёза олади.</p>

Тил компетенцияси	Фо-нетик компетенция	<p>Чет тилининг барча товушларини аниқ талаффуз қила олади.</p> <p>Сўз ва гап урғусидан тўғри фойдалана олади.</p> <p>Коммуникатив вазиятларда интонация моделларидан тўғри фойдалана олади ва уларни фарқлай олади.</p>
	Лексик компетенция	<p>Ўзлаштирилган лексик birlikларни контекстда қўллай олади.</p> <p>Мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўллай олади.</p> <p>Баъзи байналминал ва ўзлашган сўзларни таний олади ва уларни қўллай олади.</p> <p>Сўз яшанинг турли йўлларини фарқлай олади (қўшма сўзлар, префикслар ва суффикслар).</p>
	Грамматик компетенция	<p>Коммуникатив вазиятларда асосий грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллай олади.</p> <p>Сўз бирикмалари ва қўшма гапларни "аммо", "ва", "чунки" каби содда боғловчилар билан боғлай олади.</p> <p>Феъл шакллари ва содда пайт равишларидан фойдаланган ҳолда баён қилиш ва ҳикояларни гапириб беришда воқеаларни тўғри кетма-кетликда ифодалай олади.</p>

**Чет тили бўйича В1 даража битирувчилари  
тайёргарлиги даражасига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

Компетенциялар		Билиш ва қўллай олиш	
Лингвистик компетенция	Нутқий компетенция	Тинглаб тушуниш	<p>Оммабоп таниш мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади.</p> <p>Касб-ҳунарга оид мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади.</p> <p>Шахсий қизиқиш ёки касбга оид кундалик воқеалар ва дастурлар ҳақидаги теле, радиоангиликлар секин, бироқ равон гапирилганда уларнинг асосий мазмуни ва ғоясини тушуна олади.</p> <p>Батафсил ёзишга йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади.</p> <p>Таниш мавзудаги муҳокамага кириша олади.</p>
		Гапириш	<p><b>Диалог.</b></p> <p>Саёҳат мобайнида ёки касбий соҳада вужудга келиши мумкин бўлган аксарият вазиятларда мулоқот қила олади.</p> <p>Таниш, шахсий қизиқишларга оид ёки кундалик мавзуларда тайёргарликсиз суҳбатга кириша олади.</p>

			<p>Ҳам оммабоп, ҳам касб-хунарга оид масалалар бўйича маълумот олади ва бера олади ҳамда фикр алмаша олади.</p> <p>Кенг миқёсдаги ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар, масалан ғамгинлик, бахтиёрлик, дилхиралик, мамнуният, ҳайратланишни ифода қила олади ва уларга жавоб қайтара олади.</p> <p>Мавзу бўйича суҳбат ёки муҳокамада қатнаша олади. Саёҳат, харид, банк ва бошқа умумий кундалик ёки меҳнат фаолиятига оид вазиятлардаги юмушларни самарали уддалай олади.</p> <p>Йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуниб, уларга амал қила олади.</p> <p>Расмий суҳбатда, масалан ишга жойлашиш ёки стипендия олиш учун бўладиган суҳбатда олдиндан кутса бўладиган саволларга жавоб бера олади.</p> <p>Юзма-юз мулоқотда ёки телефон орқали учрашув ёки тадбир вақти ва жойини режалаштира олади.</p> <p>Касб-хунарга оид мавзуда саволлар бера олади ва уларга жавоб қайтара олади.</p>
			<p><b>Монолог.</b></p> <p>Ихтисосликка оид ёки бошқа таниш мавзуларда қисқа, мантиқий фикрлар билан боғланган тақдимот қила олади.</p> <p>Таниш вазиятлар ва мавзуларни содда тасвирлаб, улар ҳақида бевосита ахборот бера олади.</p> <p>Воқеа-ҳодисалар ва тадбирлар тафсилотларини боғлай олади.</p> <p>Орзу-умидлар, хоҳиш-истак ва режаларни тасвирлай олади.</p> <p>Оммага эълон ёки тақдим қилиш жараёнида режалар ёки чора-тадбирларни тасвирлай олади.</p> <p>Содда иборалар ёрдамида масала ёки далил ва сабабларни келтира олади.</p>
		Ўқиш	<p>Ихтисослик соҳаларида фактларга асосланган мураккаб бўлмаган матнларни тўлиқ тушуна олади.</p> <p>Кундалик ва асосий касб-хунарга оид ҳужжатлардаги, масалан, хабарлар, қисқа расмий ҳужжатлардаги тегишли маълумотларни топа олади ва тушуна олади.</p> <p>Газета ва интернет матнлари ва бошқа манбалардаги тегишли фикрларни тушуна олади.</p> <p>Асбоб-ускуналар ва қурилмаларни ишлатиш ва эксплуатация қилиш бўйича ёзма йўриқномаларни тушуниб, уларга амал қила олади.</p>

			Оммавий матнларни муҳокама қилишни назарда тутган ҳолда асосий фикрларини тушуна олади.
		Ёзиш	Шахсий ва касбий контекстларда қайдлар ва хабарлар ёзиб, уларнинг шошиличилиги, муҳимлиги ёки зарурлигини ифодалай олади. Стандарт форматга асосланган қисқа касбга оид ҳисоботлар ёза олади. Меҳнат амалиёти тажрибасига оид оддий ҳисоботларни ёза олади. Иш жойи билан боғлиқ масалалар ва вужудга келадиган вазиятлар бўйича оддий ҳисоботлар ёза олади. Резюме ва тавсия хатларини ёза олади.
	Тил компетенцияси	Фонетик компетенция	Тақдимотлар ва муҳокамаларда таъкидлаш мақсадида урғу ва интонациядан тўғри фойдалана олади.
		Лексик компетенция	Касб-хунарга оид луғат бойлигидан фаол фойдалана олади. Ўз соҳаларида кенг тарқалган халқаро ва турдош сўзларни танийди ва ишлата олади. Ўз ихтисослиги доираси ва ундан ташқарида сўз тузилиши элементлари (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги)ни танийди ва тушуна олади.
		Грамматик компетенция	Коммуникатив мақсадларда зарур бўладиган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини таний олади ва улардан тўғри фойдалана олади.

**Чет тили бўйича B1+ даража битирувчилари  
тайёргарлиги даражасига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

Компетенциялар		Билиш ва бажара олиш	
Лингвистик компетенция	Нутқий компетенция	Тинглаб тушуниш	Ўз мутахассислиги доирасидаги яхши тузилган маъруза ёки суҳбатни тушуна олади. Ўз қизиқишлари доирасидаги теле- ёки радиодастурлар ва бошқа манбаларни тинглаб, асосий маълумотларни тушуна олади. Шахсий қизиқиш, ўқиш ёки касбга оид соҳадаги оғзаки манбаларни тинглаб, ҳам асосий мазмуни, ҳам махсус маълумотларни англай олади. Тил эгаси билан таниш ва махсус мавзуда мулоқотга киришганда унинг аксарият жиҳатларини тушуна олади.

		<p><b>Гапириш</b></p>	<p><b>Диалог.</b>  Таниш кундалик ва бошқа умумий мавзуларда маълум даражада ўзида ишонч билан маълумот алмаша олади, текшира олади ва тасдиқлай олади.  Муаммони тушунтириб бера олади ва уни ҳал қилиш йўллари таклиф қила олади.  Кутилмаган мулоқот вазиятларида иштирок эта олади: тайёргарликсиз суҳбат ва муҳокамаларни олиб бора олади.  Таниш мавзуларда дебатлар ва муҳокамаларда иштирок эта олади.  Муҳокамалар жараёнида мавҳум мавзулар ва масалаларда ўз фикрини ифода қила олади.  Муҳокама ёки суҳбат мобайнида ўзгалар фикрини шарҳлай олади.  Батафсил кўрсатмаларга оид саволларга жавоб бера олади.  Саволлар бериб, тегишли шарҳлар келтириб, интервью олиб бора олади.  Интервью ёки маслаҳат бериш мобайнида керакли маълумотларни бера олади.</p> <p><b>Монолог.</b>  Оммабоп ёки ихтисосликка оид мавзуда яхши тузилган тақдимот қила олади.  Қисқа ҳикоя, мақола ёки муҳокама мазмунини қисқача баён қила олади.  Ўз қарашларини тушунарли ва аниқ ифодалай олади.</p>
		<p><b>Ўқиш</b></p>	<p>Катгароқ матнларни ўқий олади, матннинг турли қисмларидан тегишли маълумот йиға олади.  Мунозарали матннинг хулосасини аниқлай олади.  Матн мазмунининг асосий ғоясини ажрата олади.  Махсус маълумот олиш учун нисбатан катта ҳажмдаги матнларни ўқий олади.  Махсус маълумот олиш, тўлиқ тушуниш учун қисқа газета мақолаларини, интернет матнлари ва бошқаларни ўқий олади.</p>
		<p><b>Ёзиш</b></p>	<p>Маъруза пайтида ўзи фойдаланиши учун етарли даражада аниқ бўлган қайдлар қила олади.  Ўз қизиқишларига тааллуқли мавзуда қисқа, содда эссе ёза олади.  Расмий хат, иш юритиш қоғозларини (ариза, розилик хатлари, резюме) ёза олади.  Тажриба, фаолият ва тадбирлар ҳақида талабга жавоб бера оладиган ҳисоботларни ёза олади.  Лойиҳа иши ҳақида қисқача ҳисобот ёза олади.</p>

			Ҳикоя ёза олади.
Тил ком- пе- тен- ция- си	Фоне- тик ком- петен- ция		Дарак, сўрок, бўлишсиз, буйрук гапларда ритм ва интонациядан фойдалана олади, гапни маъно бўлакларига ажрата олади. Тақдимотлар ва муҳокамаларда таъкид мақсадида урғу ва интонациядан фойдалана олади. Чет тилининг асосий вариантларини ажрата олади.
	Лексик компе- тенция		Ўз мутахассислигига оид лексикани ажрата олади ва қўллай олади. Ўз ихтисослиги доираси ва бошқа соҳаларда сўз тузилиши унсурларини (кўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги) таний олади ва тушуна олади.
	Грам- матик компе- тенция		Коммуникатив мақсадларда зарур бўлган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини ажрата олади ва улардан тўғри фойдалана олади.

**Чет тили бўйича В2 даража битирувчилари  
тайёргарлиги даражасига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

Компетенциялар		Билиш ва бажара олиш	
Линг- вис- тик ком- пе- тен- ция	Нут- қий ком- пе- тен- ция	Тинг- лаб тушу- ниш	Кенг қўламли нутқ ёки қатор мураккаб фикрлар баённи тушуниб кузата олади. Маъруза, нутқ, баёнот, тафсилотли йўриқномалар, илмий ва ихтисослик тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини тушуна олади. Эълон ва хабарларни тушуна олади. Таниш ва нотаниш контекстдаги мураккаб аутентик нутқни тушуна олади. Ўрганилаётган тил эгаси бўлган сўзлашувчиларнинг суҳбат ёки мунозарасининг аксарият қисмини тушуна олади. Радио, интернет ва телевидение дастурлари, интервьюларнинг аксарият қисмини тушуна олади.
		Гапи- риш	<b>Диалог.</b> Ўз ҳамкорлари билан музокара қила олади. Маълум масала юзасидан илтимос қила олади. Ўрганилаётган тилда сўзлашувчилар билан мулоқотга кириша олади, зарур бўлганда бошқара олади. Олдиндан тайёргарлик кўрилмаган жонли муҳокама ва мунозараларда қатнаша олади. Ўз соҳаларига оид интервьюда қатнаша олади. Расмий муҳокама доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ифодалай олади. Муҳокамаларда ўз фикрларини ойдинлаштира олади, ўзгартириб талқин эта олади ва тузата олади.

		<p>Битимга келишув ёки муаммо ечимини топишда расмийлик ва хушмуомалаликнинг мақбул даражаларидан фойдалана олади.</p> <p>Расмий доираларда (масалан, семинар ва ҳоказолар) хос равишда саволлар беради ва жавоблар бера олади.</p> <p><b>Монолог.</b>          Маълум мавзу бўйича яхши тақдимот қила олади.          Ўз соҳаларига оид бир қатор нарсаларни аниқ ва батафсил тасвирлай олади.          Маълум мавзу бўйича оғзаки маъруза қила олади.          Мақола, маъруза ёки муҳокама юзасидан аниқ умумлашган хулоса қила олади.          Таниш мавзуга оид қараш ёки фикрни ривожлантириш, далиллар, мисоллар келтириш орқали асослай олади.</p>
	Ўқиш	<p>Таниш ва нотаниш мавзулардаги матнларнинг асосий/айрим жиҳатларини тушуна олади.          Ўз соҳалари ва қизиқишларига мос ёзишмаларни тушуна олади.          Жадвал, графикларнинг қисқа изоҳини тушуна олади.          Мураккаб номаларни тушуна олади.          Махсус ва мураккаб ёзма йўриқнома ва йўналишларни тушуниб амал қила олади.          Касбий соҳаларга оид каттароқ ҳажмдаги мақола ва маърузалардан тегишли маълумотни ажрата олади.          Тезис, конференция дастурлари, мундарижа ва шу каби матнларнинг айрим қисмлари ёки барча қисмларини батафсил ўқиш кераклигини аниқлай олади.          Ривожлантириладиган кўникмалар: чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва ҳоказолар).</p>
	Ёзиш	<p>Махсус номалар ёза олиш (бизнес хатлари, электрон хатлар).          Соҳага оид яхши тузилган иншо ва маърузалар ёза олади.          Етарли даражада грамматик, мазмун жиҳатдан тўғри тузилган ва мос услубдаги илмий ва тадқиқот мақолаларини ёза олади.          Таклифлар, хулосалар ва тезислар ёза олиш.          Зарур ҳолда ўз соҳалари бўйича битирув малакавий иши ёза олади.</p>
Тил ком- петен-	Лексик ком- петен-	Махсус лексика ва атамаларни контекстда қўллай олади.

	ция- си	ция	Коммуникатив доираларда мавзуга оид лексикани ишлата олади. Кенг кўламдаги байналминал сўзларни фарқлай олади ва улардан фойдалана олади.
		Грам- матик ком- петен- ция	Коммуникатив вазиятларда мураккаб грамматик ва синтактик структураларни ишлата олади. Мос боғловчи сўзларни қўллай олади. Ўз соҳаларига оид дискурс моделларининг грамматик, лексик ва мазмун жиҳатдан қандай тузилганини тушуниш мақсадида таҳлил қила олади.

**Чет тили бўйича C1 даража битирувчилари  
тайёргарлиги даражасига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

Компетенциялар			Билиш ва бажара олиш
Линг- вис- тик ком- пе- тен- ция	Нут- қий ком- пе- тен- ция	Тинг- лаб тушу- ниш	Ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқ намуналарининг айрим ноаниқ жиҳатларини ойдинлаштириб олиш зарурати туғилса, сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил шеваси нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш. Кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилда берилган дискурс хусусиятини тушуна олиш. Кенг кўламли нутқларни аниқ тузилмаган ҳолларда ҳам тушуниш ва улардаги очик-ойдин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш. Муҳокама ва дебатлардаги бошловчи ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқот жараёнида, мавзулар мавҳум ёки нотаниш бўлса ҳам, осонлик билан тушуниш ва кузата олиш. Кенг қамровли, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудиотасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги нозик тафсилотлар ва муносабатларнинг муҳим жиҳатларини аниқлай олиш. Фильмлардаги сленг ва идиоматик ибораларнинг ишлатилишининг аксарият қисмини тушуна олиш. Шовқинда ҳам оммавий эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар)ни ўқиб тегишли маълумот ола билиш.



		Гапи-риш	<p><b>Оғзаки мулоқот (диалог).</b>  Ўз фикрини деярли қийинчиликсиз, равон, эркин ва спонтан равишда билдира олиш. Кенг кўламли лексик бойликка эга бўлган ҳолда сўзамоллик билан мулоқотдаги бўшлиқларни тўлдира олиш.  Ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларни етарли даражада ойдинлаштириб олиш зарурати туғилган ҳолда, сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил шеvasи нотаниш бўлган ҳолларда ҳам батафсил тушуна олиш.  Ишга қабул қилувчи ёки ишга кирувчи сифатида суҳбатда қатнашиш жараёнида ҳеч қандай кўмаксиз фикрини кенгайтириб, равон тарзда ифодалай олиш, тегишли тил воситаларидан унумли фойдалана олиш.  Мавҳум, мураккаб ва нотаниш мавзулардаги мунозараларда ҳам қатнаша олиш.  Ўз расмий нуқтаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда, қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда равон ва спонтан тарзда жавоб бера олиш.</p> <p><b>Оғзаки монологик нутқ.</b>  Турли мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тўлиқ тасвирий ёки ҳикоявий тарзда фикрларни алоҳида жиҳатларга урғу берган ҳолда баён этиш ва мос равишда яқунлаб, хулоса қила олиш.</p>
		Ўқиш	<p>Ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган бирмунча узун ва мураккаб матнларни қийин жойларини қайта ўқиш имконияти берилган ҳолатда батафсил тушуна олиш.  Луғатдан фойдаланиб ҳар қандай турдаги хатларни тушуна олиш.  Ижтимоий, мутахассислик ёки таълим соҳаларида учраш аҳтимоли бўлган кенг кўламдаги узун ва мураккаб матнлар (масалан, соҳага оид мақолалар, китоб боблари, шарҳлар)ни батафсил тушуна олиш ва улардаги кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатлари, қарашлар, очиқ-ойдин ва яширин фикрларни аниқлай олиш.  Веб-сайт ёки журналлардан ўз мутахассислик соҳаларига оид тегишли тафсилотларни ола билиш.</p>
		Ёзиш	<p>Мураккаб мавзулардаги матнларни бирламчи масалаларга урғу берган ва иккиламчи масалаларни етарли тарзда кенгайтирган ҳолда ёрита олиш, асосли</p>

		<p>ва ўринли мисоллар келтира олиш, ҳамда мос равишда якунлаб, хулоса ёза олиш.</p> <p>Аниқ, батафсил, яхши тузилган тасвирий ҳамда ижодий тарафдан мукамал, табиий ва ўз услубига эга, маълум ўқувчига кўзланган матнлар ёза олиш.</p> <p>Аниқ, яхши тузилган, асосий масалаларга урғу берган ҳолда (масалан, битирув малакавий ишида) мураккаб тушунчаларнинг талқинини ёза олиш.</p> <p>Ўз фикрини кенгайтириб, қўшимча фикрлар, далиллар ва мақбул мисоллар билан ёрита олиш.</p> <p>Шахсий мазмундаги турли матнлар (кундаликлар, ўтган ҳодисалар таҳлили)ни ўзига хос услубда ёза олиш.</p> <p>Маъруза, мақола ва муҳокамалар хулосаларини ёза олиш.</p> <p>Мутахассислик ва таълимга оид таҳлиллар ёза олиш.</p>
Тил компетенцияси	Фонетик компетенция	Интонацияни ўзгартириш ва гап урғусини тўғри қўйиш орқали мазмуннинг турлича талқинини ифодалай олиш.
	Лексик компетенция	Кенг қўламли сўз бойлигига эга бўлган ҳолда мулоқотдаги бўшлиқларни тўлдиролди олиш (кам ҳолларда зарур ибораларни топа олмаслик ёки ўзини мулоқотдан олиб қочиш стратегияларини қўллаш).
	Грамматик компетенция	Идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини қўллаш олиш. Айрим кичик хатолардан истисно тарзда жиддий лексик хатоларга йўл қўймаслик. Мутахассисликка оид (чет тили ўқитиш ва амалий тилшунослик) ўрганилаётган чет тилидаги атамаларни яхши тушуниб, қўллаш олиш.
		Мунтазам равишда грамматик жиҳатдан тўғри ва хатолардан бирмунча холи фикрларни қўллаш олиш.

**MAVZU**  
**№ 3**

**Форс тилини ўқитишнинг намунавий стандарти тавсифи ( توصيف استاندارد مرجع ) (آموزش زبان فارسی).**

**Маъруза режаси:**

1. PLTSR стандарти
2. AMFA тил билиш даражасини баҳолаш мезони

## Common European Framework of Reference for Languages (CEFR)

Daraja		Darajaning nomlanishi	№
A	A1	مبتدی	1
	A2	پیش میانی	2
B	B1	میانی	3
	B2	فوق میانی	4
C	C1	پیشرفته	5
	C2	فوق پیشرفته	6

PLTSR  
(Persian  
Language  
Teaching  
Standart  
Reference)



## PLTSR darajalari

Nº	Darajaning belgisi	Xalqaro nomlanishi	Forscha nomlanishi
1	N	Basic	نوآموز
2	A	Elementary	مقدماتی
3	B <sub>1</sub>	Pre-intermediate	پیش میانی
4	B <sub>2</sub>	Intermediate	میانی
5	B <sub>3</sub>	Upper-intermediate	فوق میانی
6	C <sub>1</sub>	Advanced	پیشرفته
7	C <sub>2</sub>	Proficient	ماهر

## PLTSR uchun taklif etilgan soatlar



## PLTSR uchun taklif etilgan soatlarning ortishi

Darajaning belgisi	Forscha nomlanishi	Dars soatlari
N	نوآموز	40-50
A	مقدماتی	120-150
B	میانی	360-450
C	پیشرفته و ماهر	200-250
		720-900



Darajalar		Daraja qismlari	Soatlar
N	نو آموز	نو آموز	40 soat
A	مقدماتی	مقدماتی 1	40 soat
		مقدماتی 2	40 soat
		مقدماتی 3	40 soat
B1	پیش میانی	پیش میانی 1	40 soat
		پیش میانی 2	40 soat
		پیش میانی 3	40 soat
B2	میانی	میانی 1	40 soat
		میانی 2	40 soat
		میانی 3	40 soat
B3	فوق میانی	فوق میانی 1	40 soat
		فوق میانی 2	40 soat
		فوق میانی 3	40 soat
C1	پیشرفته	پیشرفته 1	40 soat
		پیشرفته 2	40 soat
		پیشرفته 3	40 soat
C2	ماهر	فوق پیشرفته 1	40 soat
		فوق پیشرفته 2	40 soat
			<b>720 soat</b>

Darajalar		Daraja qismlari	Soatlar
N	نو آموز	نو آموز	40 soat
A	مقدماتی	مقدماتی 1	60 soat
		مقدماتی 2	60 soat
B1	پیش میانی	پیش میانی 1	60 soat
		پیش میانی 2	60 soat
B2	میانی	میانی 1	60 soat
		میانی 2	60 soat
B3	فوق میانی	فوق میانی 1	60 soat
		فوق میانی 2	60 soat
C1	پیشرفته	پیشرفته 1	60 soat
		پیشرفته 2	60 soat
C2	ماهر	فوق پیشرفته 1	40 soat
		فوق پیشرفته 2	40 soat
			<b>720 soat</b>

## ADABIYOTLAR

The image displays a grid of book covers for literature courses, organized by level (N to C2) and category (Narrative, Drama, Prose, Poetry, etc.). The levels are listed on the left side of the grid, and the categories are listed at the top. The books are arranged in a grid format, with each cell containing a book cover. The levels are: N (Novice), A (Elementary), B1 (Pre-intermediate), B2 (Intermediate), B3 (Upper intermediate), C1 (Advanced), and C2 (Expert). The categories are: نگارش و گفتگو (Writing and Speaking), داستان (Narrative), واژه (Vocabulary), خواندن (Reading), کتاب اسبکی (Book of the Week), and ماهر (Expert). The books are arranged in a grid format, with each cell containing a book cover. The levels are listed on the left side of the grid, and the categories are listed at the top. The books are arranged in a grid format, with each cell containing a book cover.

آزمون

آمفا

# آمفای مهارتی

زبان فارسی

## AMFA

### IMTIHON OLISH TARKIBI VA VAQTI



Yozish

10 daqiqa

45 ball/3 qism



Yozish

60 daqiqa

45 ball/2 shart



O'qish

60 daqiqa

45 ball/3 matn



Eshitish

55 daqiqa

45 ball/3 qism

عمومی (General)

دانشگاهی (Academic)

### BAHOLASH MEZONI

سطح	PLTSR	نمره ۰ تا ۹	نمره ۰ تا ۱۸۰	CEFR	IELTS	TOEFL IBT	TOEFL CBT	TOEFL PBT
ماهر	<b>C2</b>	۷.۵ تا ۹	۱۵۰ تا ۱۸۰					
پیشرفته	<b>C1</b>	۶.۵ تا ۷	۱۲۶ تا ۱۴۹	<b>C2</b>	9.0 8.5			
فوق میانی	<b>B3</b>	۵.۵ تا ۶	۱۰۵ تا ۱۲۵	<b>C1</b>	8.0 7.5 7.0	110-120	270-300	637-677
میانی	<b>B2</b>	۴.۵ تا ۵	۸۵ تا ۱۰۴	<b>B2</b>	6.5 6.0 5.5	87-109	227-269	567-636
پیش میانی	<b>B1</b>	۴	۶۵ تا ۸۴	<b>B1</b>	5.0 4.5 4.0	57-86	163-226	487-566
مقدماتی	<b>A</b>	۱ تا ۳.۵	۱۶ تا ۶۴	<b>A2</b>	3.5 3.0	40-56	120-162	435-486
نوآموز	<b>N</b>	۰ تا ۰.۸	۰ تا ۱۵	<b>A1</b>	2.5 2.0	0-39	0-119	310-434

**Маъруза режаси:**

1. Чет тилини ўрганишнинг муҳим йўналишлари
2. Форс тилини ўқитиш методлари

Оксфорд университети тил ўрганиш йўналишининг олти муҳим мажмуасини эълон қилган:

**1. Билим олиш йўналишлари.** Билим олиш йўналиши тил ўрганувчига далиллаш, таҳлил қилиш, конспект тузиш, қисқартириш, тизимга солиш, лойиҳалаш, теранроқ англаш учун маълумот таркибини қайта тузиш, чет тили жамоасида табиий вазиятларда мулоқот ўрнатиш учун кўмаклашиш, грамматик таркибларни ва сўзларни машқ қилиш орқали тўғридан– тўғри чет тили ўқув материаллари билан тўқнашиш имкониятини яратади.

**2. Билишдан олдинги йўналишлар.** Бу йўналишлар тил ўрганишга тайёргарликни назорат қилиш учун қўлланади ва қуйидагилардан иборат: тил ўрганувчиларнинг ўзлари томонидан ўрганиш усуллари ва эҳтиёжлари билан танишув, чет тилини ўрганиш фаолиятларини режалаштириш, тил материалларини жамлаш ва тақсимлаш, тил ўрганиш вақти, жойи ва дастурини режалаштириш, тилга оид хатоларни назорат қилиш, тил ўрганиш жараёнидаги муваффақиятлар даражасини баҳолаш, тил ўрганишда қўлланадиган йўналишларни баҳолаш.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билишдан аввалги йўналишлар билим олиш йўналишларини амалий қўллаш вазифасини адо этади. (Пур Пура, 1999).

**3. Ҳофизага оид йўналишлар.** Бу йўналишлар тил ўрганувчига тил бирликлари(сўз ва таркиблар) ўртасида боғлиқлик яратишга кўмаклашади. Аммо теран англаб етиш имконини бермайди. Бу хилдаги йўналишларнинг намуналари қуйидагилардан иборат: сўзни товуш шакли ва маъноси ўртасидаги боғлиқлик, сўзнинг шакл ва маъноси ҳақида онгда тасаввур яратиш, сўзнинг шакл ва маъно орасидаги уйғунлик ҳақида тасаввур яратиш ва ёзув тахтаси(доска) , слайдлар, харита ва шунга ўхшаш сўзнинг шакл ва маъноси ва грамматик таркибларини ўргатиш воситалари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳофиза ҳақидаги йўналишлар ҳар доим ҳам тил ўрганишни тезлаштиришга ёрдам бермайди, баъзи тадқиқотлар бу йўналишлар тил ўрганишга салбий таъсир кўрсатишини қайд қилади. (Пур Пура, 1997)

**4. Ўрнини босиш йўналишлари.** Бу хилдаги йўналишлар тил ўрганувчи бирон тил бирлигини билмагани ёки эсдан чиқарган пайтида уни бошқача йўл билан ўрнини тўлдиришга ёрдам беради ва шулардан иборат: эшитганда ва ўқиганда тагматн асосида сўзнинг маъноси ёки грамматик таркиб бўйича тахмин қилиш, сўзлаётган ёки ёзаётган пайтда бир сўз ўрнига маънодош сўз ёки грамматик таркиб ишлатиш. Бу йўналиш кўпинча нутқ сўзлаётганда ёки

ёзаётганда қўлланишини ҳисобга олган ҳолда, алоқа йўналиши деб ҳам аташади. Аммо тил ўрганувчи сўзлашув ва ёзув орқали ҳам тил бирликларини ўрганишини назарга олиб, бу атама беасос эканлигини қайд этилади.

**5. Ҳис – туйғу йўналишлари.** Бу йўналиш чет тилини ўрганиш бошланғич даврида самарали деб эътироф этилади, аммо олдинлаб кетган тил ўрганувчиларга унча таъсири сезилмайди. Булар тил ўрганувчининг ўз ҳис – туйғу ҳолатини ва рағбатлантириш даражасини билиши, тил ўрганиш жараёнида ўз ҳиссиёти ҳақида гапириши, тил ўрганиш жараёнини муваффақиятли адо этиш учун ўзини мақташи, чуқур нафас олиш ва овозини баланд қилиб ўз - ўзини илҳомлантиришидан иборат.

**6. Ижтимоий йўналишлар.** Бу йўналиш тил ўрганувчига бошқалар билан алоқа ўрнатиш ва шу йўл билан тил эгаларининг тили ва маданий – ижтимоий ўзига хос жиҳатлари билан танишув имконини беради. Бу йўналишлар бировлардан сўраб маълумот олиш, чигал масалаларни ҳал қилиш учун кенгроқ тушунтиришни сўраш, тил амалиётини адо этиш учун бошқалардан (чет тили эгалари) ёрдам сўраш, чет тили эгалари билан суҳбатлашиш, чет тили аҳолиси билан тўғри ижтимоий – маданий муносабат ўрнатишга интилишлардан иборат. Тадқиқотлар чет тилини ўрганишда бу йўналишларнинг сезиларли таъсири борлигини кўрсатди.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, олдинги қатор тил ўрганувчилар муваффақият билан қўллаган тил ўрганиш йўналишларини ҳам ўрганиб, тил ўрганувчиларга қўлласа бўлади. Тил ўрганиш йўналишларини аниқлашнинг энг яхши усули, тил ўрганувчиларнинг ўзидан ҳисобот олиш бўлиб, бу хусусда энг кенг тарқалган саволнома **Strategy Inventory for language learning** номи билан Оксфорд томонидан чоп этилди (1990) ва ҳозирги кунгача йигирма тилга таржима қилинди.

Ўқитувчи дарс жараёнини муносиб савияда ташкил қилиш учун ўз тил ўрганувчиларининг ўзлаштириш йўналишлари ва методлари билан танишиши керак.

**Грамматика – таржима методи.** Бу усул классик тиллар, яъни юнон ва латин тилларини ўқитишда қўлланган усул бўлиб, кейинчалик бошқа тилларни ўқитишга ҳам тарқалди ва бу усулнинг энг муҳим ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқиш жараёни тил ўрганувчиларнинг она тилидан фойдаланиб амалга оширилади.

2. Чет тили алоқа ўрнатиш учун (сўзлашув) кам ишлатилади.

3. Ўқув жараёни феълларни туслаш ва сўз ясаш қоидаларини ўргатишга асосланади.

4. Ўқув жараёни мураккаб (адабий) матнларни ўқишдан бошланади.

5. Дарс жараёнидаги асосий фаолият чет тилидан она тилига ва аксинча таржималардан ташкил топади.

6. Бундай ўқитиш усулидан натижа шуки, тил ўрганувчилар чет тилида сўзлашув малакасини ҳосил қилмайдилар.

7. Ўқитувчи сўзлашиши учун чет тилини эгаллаши зарурий бўлмайди.



8. Она тилини чет тили билан қиёслаш ва солиштириш дарс жараёнидаги фаолиятларнинг бирини ташкил қилади.

**Бевосита таълим методи.** Бу метод грамматика – таржима усулига қарши акс амал бўлиб, унинг заиф жиҳати сўзлашув маҳоратини ҳосил қилишдадир ва унинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув жараёнида она тили ишлатилмайди; бошқача айтганда, ўқитувчи тил ўрганувчиларнинг она тилисини билишига эҳтиёж йўқ.

2. Ўқув жараёни чет тили эгаларининг кундалик сўзлашувидан бошланади.

3. Тил бирликларини маъноси билан боғлаш учун тасвирий воситалар, воқеий ашёлар ва ҳаракатлар (юриш)лар дан фойдаланилади.

4. Тил қоидаларини ўқитиш индуктив усулда амалга оширилади.

5. Адабий матнлар фақат ўқиш амалиётини бажариш учун ўқитилади.

6. Грамматик қоидалар таҳлил қилинмайди.

7. Чет тилининг маданиятга оид жиҳатлари индуктив тарзда ўқитилади.

8. Ўқитувчи, ё тил эгаларининг намояндаси бўлиши, ёки тил эгалари даражасида тилни эгаллаган бўлиши керак.

**Ўқиш методи.** Бу метод бевосита таълим усулининг қийинчиликларини бартараф этиш учун юзага келди. Чет тилини мукамал эгаллаган ва дарс жараёнида равон гапира оладиган ўқитувчилар кам топиларди. Шу туфайли улар бевосита ўқитиш усулидан фойдалана олмасдилар. Ундан ташқари, тил ўрганувчилар оғзаки нутқни мукамал эгаллаши учун у пайтларда чет элларга борди – келдилар у қадар ривожланмаган эди. Аммо чет тилидаги фалсафий ва адабий китобларни ўқий олиш учун ўқиш малакасини ҳосил қилиш зарурийроқ кўринарди. Бу усулнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Фақат ўқиган нарсасини англаш учунгина керакли бўлган тил қоидалари ўқитиларди.

2. Бошида юқори частотали ва ўқиладиган матнда кўп ишлатиладиган сўзлар ўқитиларди, сўнг улрнинг миқдори орттириларди.

3. Ўқилган нарсани яна бир марта таржима қилиш энг ишончли дарс жараёни деб топилган эди.

4. Асосан урғу бериладиган ягона малака - ўқиш малакасини касб қилиш эди

5. Ўқитувчи чет тилини мукамал эгаллаган бўлиши шарт эмасди.

**Эшитиш – гапириш методи.** Бу метод ўқиш усулининг камчиликларига ва оғзаки нутқ малакасига эътибосизликка қарши кўрсатилган рекция эди. Бу усул 1940- 1960 йиллардаги АҚШ да кенг тарқалган усул эди ва тил ўқитиш ислоҳоти ҳаракати ва бевосита ўқитиш усулининг натижаси эди. Шуниси борки, буларга структур тилшунослик ва бихавиоризм руҳшунослиги хусусиятлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди. Бу усулнинг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Дарс диалог билан бошланади.

2. Тил ўрганиш грамматик қоидалар асосида таркиблар яшаш деган ақидадан келиб чиқиб, бу усулда дарс жараёнидаги асосий фаолият тақлид ва ёдлашдан иборат эди.

3. Тилнинг грамматик қоидалари соддадан мураккабга қараб ўқитилар ва тил қоидалари ва машқлар индуктив равишда тақдим қилинар эди.

4. Бошидан талаффузга алоҳида аҳамият берилар эди.

5. Биринчи босқичларда бериладиган сўзларнинг миқдори чекланган эди.

6. Тил ўрганувчи хатога йўл қўймаслигига ҳаракат қилинарди.

7. Грамматик қоидалар уларнинг маъносига эътибор берилмаган ҳолда машқ қилинарди.

8. Ўқитувчи фақат ҳар дарсда ўтиладиган сўзлар ва грамматик қоидаларни мукамал эгаллаган бўлиши керак эди, чунки дарс жараёни ва материаллари қатъий назорат остида эди, шу маънодаки, тил ўрганувчи фақат дарсликда мавжуд материални машқ қилиши, ёд олиши ва фақат ўшаларни ишлатиши керак эди.

9. Чет тилини она тили билан қиёслаш ва солиштириш фақат ўқитувчи томонидан дарс материаллари ва дарс жараёнига тайёрланиш мақсадида амалга оширилди.

**Сўзлашув – ҳолат методи.** Ўқиш методи ва уни эшитиш ва сўзлашув малакасини ҳосил қилишдаги камчиликларини бартараф қилиш мақсадида бу усул вужудга келди ва 1940 – 1960 йилларда Британияда кенг тарқалди. Америкадаги эшитиш – сўзлашув усулига ўхшаб, бу усул тил ўқитиш ислоҳоти ҳаракати ва бевосита таълим усулининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек Фирс тилшунослиги ва бихавиоризм таъсирларини ўзида мужассамлаштирган эди. Бу усулнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Биринчи даражада сўзлашув амалиёти туради.

2. Барча тил материаллари ёзма шаклда тақдим қилинишидан олдин оғзаки нутқ шаклида машқ қилиниши керак. Бошқача қилиб айтганда, тил ўрганувчи оғзаки нутқ воситасида бир қатор сўзлар ва грамматик қоидаларни эгаллаганларидан кейин, ўқиш ва ёзиш малакасига ўргатиш керак.

3. Дарс жараёнида фақат чет тилида муомала қилинади.

4. Дарс жараёнида юқори частотали умумий сўзлар ўргатилишига ҳаракат қилинади.

5. Грамматик қоидалар соддадан мураккабга қараб тақдим этилади.

6. Янги сўз ва грамматик қоидалар муайян ижтимоий ҳолатларда берилди ва машқ қилинади (масалан, почтаҳонада, банкда, овқатланиш столи атрофида).

**Когнитив<sup>1</sup> таълим методи.** Бу усул эшитиш – сўзлашув усулининг асосини ташкил қилган бихавиоризм руҳшунослиги мактабининг таъсирига қарши когнитив руҳшунослик (Нейсер, 1967) ва Чомскийнинг тилшунослик таълимоти (1959, 1965) асосида вужудга келди. Бу усулнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1. Тил ўрганиш бир қанча грамматик қоидаларни ўрганишдан иборат эмас, балки тил қоидаларини мажмуасини ўрганишдан иборатдир.

---

Когнитив – таниш, идрок этиш. Когнитив таълим усули илгари кўрган ва билган нарсалар асосида ўқитиш.<sup>1</sup>

2. Тил ўрганиш тил ўрганувчининг ўзига хос хусусиятларига таяниб амалга оширилади ва ҳар бир тил ўрганувчи ўзлаштиришга ўзи масъулдир.

3. Тилнинг грамматика тизими тил ўрганувчининг хусусиятини назарга олиб, ё индуктив равишда, ёки қиёсий равишда амалга оширилади.

4. Талаффузга урғу берилмайди. Ерли тил эгаларига ўхшатиш мақсадида талаффузни ўргатиш, ё нореал, ёки мумкин эмас.

5. Ўқиш ва ёзиш малакаси, эшитиш ва сўзлашув каби бир хил аҳамиятга эга.

6. Ўрта ва олдинлаган босқичда сўз бойлигини ошириш аҳамиятга эга.

7. Сўзларни ва грамматик қоидаларни нотўғри ёд олиш табиий ҳодисадир. Бу каби хатолар чет тилини ўрганишда ижодий рол ўйнайди. Ўқитувчи бу хатоларнинг келиб чиқиш илдизини она тилида ёки чет тилида излайди ва уни бартараф қилиш учун лозим бўлган дарс материални тайёрлайди.

8. Ўқитувчи чет тилини мукамал эгаллаган бўлиши ҳамда грамматик материални таҳлил қила олиши керак.

**Ҳис – туйғу ва инсоний метод.** Бу метод эшитиш – сўзлашув усули ва когнитив таълим усулининг тил ўрганувчининг ҳис – туйғулари омилига эътиборсизлигига қарши вужудга келган. (Московиц, 1978, Курран, 1976) Бу усулнинг муҳим жиҳатлари қуйидагилар:

1. Тил ўрганувчи ва унинг ҳис – туйғуларига алоҳида эътибор бериш керак.

2. Дарс жараёнида ўтиладиган диалоглар тил ўрганувчи учун маъноли бўлиши керак, шу мазмундаки, тил ўрганувчи дарсдан ташқари воқеий жамиятда бу диалогдан фойдалана олишини ҳис қилсин.

3. Ўқув жараёни кичик гуруҳларда ( когнитив, ҳис-туйғу ва ш.ў.) ва икки киши томонидан олиб борилсин.

4. Дарс жараёни ва дарс муҳити ўқитиш усули ва дарс материалларидан муҳимроқ.

5. Дарс жараёнидаги тил ўрганувчилар орасидаги диалог ва муомала тил ўрганиш учун зарурийдир.

6. Чет тилини ўрганиш бир шахсий тажриба сифатида назарда тутилади ва бу усулда тил ўрганувчи ўзи тил қоидаларини англаб етади. Бошқача қилиб айтганда, дарс бериш ўз ўрнини ўзи ўрганишга берган.

7. Ўқитувчининг роли маслаҳатчи шаклида ва ўрганишни осонлаштирувчи сифатида бўлади.

8. Ўқитувчи чет тилини ва тил ўрганувчининг она тилини билиши керак, негаки тил ўрганишнинг биринчи босқичида ҳаддан ташқари таржимага суяниш тил ўрганувчини эсанкиратиб қўймаслиги учун; албатта кейинги босқичларда таржима фаолияти камая боради.

**Теран идрок методи.** Она тилини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида, тадқиқотчилар чет тилини ўрганиш биринчи тилни ўрганишга жуда ҳам ўхшаш деган фикрдалар. (Постовский, 1974, Виноц, 1981, Крашен ва Террел, 1983) Шу асосда теран идрок усули вужудга келдики, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1. Эшитиш малакаси алоҳида аҳамиятга эга ва оғзаки нутқ , ўқиш, ёзиш малакасини ҳосил қилиш асоси ҳисобланади.

2. Тил ўрганувчи гапиришга ўрганишдан олдин маъноли сўзлашув ва тилдан ташқари маъноли жавобларни эшитиш орқали алоқа ўрнатишга ўрганишни бошлаши керак( масалан, китобни бер, сўзини эшитиши билан китобни бериши керак).

3. Тил ўрганувчи то ўзи тайёрлигини сезмагунча гаплашишга киришмаслиги керак, бу усулнинг натижаси шуки, гаплашиш пайти келганда талаффузида хатога йўл қўймайди.

4. Тил ўрганувчиларнинг тил билиш ички туйғуси , уларнинг ўзлашган тил билимидан юқорироқ бўлади ва шу туйғу воситасида тил ҳақида янги билимлар орттирадилар. Шу маънодаки, агар тил ўрганувчи эшитиш ва ўқиш икки канали орқали тил билимини ҳосил қилгудай бўлса, эшитиш ва ўқиш материаллари англаб олиш даражасида бўлиши керак ва эшитиш ва ўқиш матнларидаги сўзлар ва грамматик қоидалар тил ўрганувчи учун тил ҳақида янги маълумотларга эга бўлган ҳолдагина бунинг имкони бор.

5. Тил қоидаларини ёдлаш суҳбат пайтида қоидалардан огоҳликка сабаб бўлиши ва шу туфайли тил билишга тўсиқ бўлиши мумкин, шу маънодаки, ёд олиш ўзлаштиришга олиб келмайди. Шу сабабли тил ўрганувчилар, агар тил қоидаларини суҳбат( тил ўрганувчилар ўртасида)пайтида машқ қилиш йўли билан эгалламасалар, чет тили эгалари каби равон гаплаша олмайдилар.

6. Тил ўрганувчиларнинг грамматик хатоларини тузатиш на фақат зарурий эмас, балки уларнинг равон суҳбат қилишига монелик қилади. Муҳими шуки, тил ўрганувчилар ўз синфдошлари ва ўқитувчиси билан мулоқотда бўлсинлар.

7. Агар ўқитувчи чет тили эгаси бўлмаса ёки чет тилини эгалламаган бўлса, дарс материаллари аудиотасма орқали ёки видеотасвирда тақдим этилиши керак.

**Коммуникатив (алоқа) таълим методи.** Бу метод Ҳаймз (1972) га ўхшаш тилшунос – антрополог ва Ҳалиди (1978) га ўхшаш Фирс тилшунослик мактаби издошларининг таъсирида вужудга келди. Улар тилнинг энг биринчи вазифаси алоқа ( коммуникация) деган ақидада эдилар. Бу усулнинг ўзига хос томонлари қуйидагилар:

1. Чет тилини ўрганишдан мақсад шуки, тил ўрганувчи ундан фойдаланиб алоқа ўрнатсин.

2. Чет тили дарс материалларининг мазмуни тилнинг грамматик тизимини ўргатиш эмас, тил бирликларининг маъносини ва тилнинг ижтимоий вазифасини ўргатишдир

3. Тил ўрганувчилар икки киши ёки бир неча кишилик гуруҳларга бўлиниб маъно таҳлилни амалга оширадилар; шу маънодаки, масалан шундай ҳолатлар юзага келадик, улардан бири нинг онгида бир тушунча бўлади ва бошқалар ундан хабари бўлмайди ва биладиган одам шу тушунчани бошқаларга етказишга ҳаракат қилади.

4. Тил ўрганувчилар жамиятдаги турли вазиятларда чет тилини қўллай олиш учун турли ижтимоий ролларни ўйнайдилар.

5. Дарс материаллари ва дарс жараёни дарсдан ташқари ижтимоий ҳаётда тил қандай ишлатилса худди шундай табиий шаклда ташкил қилинади, токи тил ўрганувчилар тилнинг реал ҳаётдаги ишлатилишини ўргансинлар.

6. Тил малакалари биринчи кундан бошлаб бир пайтнинг ўзида бирданга машқ қилинади. Дарс жараёнида, айти пайтда ҳам ўқилади, эшитилади, сўзлашилади ва ёзилади( тил ўрганувчилар ўқимили бўлсалар).

7. Ўқитувчининг энг муҳим вазифаси тил ўрганишга ёрдам бериш, тил ўрганувчининг хатоларини тузатиш иккинчи даражали аҳамиятга эга.

8. Ўқитувчи чет тилини мукамал билиши керак.

## MAVZU № 5

## Форс тилини ўқитишнинг замонавий кўникмалари ( مهارتهای نوین آموزش زبان فارسی).

### Маъруза режаси:

1. Ўқиш кўникмаси (مهارت خواندن)
2. Ёзиш кўникмаси (مهارت نوشتن)
3. Эшитиш кўникмаси (مهارت شنیدن)
4. Сўзлашув кўникмаси (مهارت صحبت کردن)



Кўз орқали ҳосил қилинадиган маълумотни ўқиш деб аташ мумкин. Йўлда автомобиль бошқариб кетаётганингизда мактаб ўқувчилари, тарелка билан вилка ёки телефон трубкасига кўзингиз тушади. Бундан куйидаги тартибда маълумот ҳосил қиласиз "эҳтиёт бўлинг бу ердан кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўтиб қолиши мумкин", "агар қорнингиз очган бўлса шу яқин – атрофда ресторан бор, овқатланиб олишингиз мумкин", "агар биров билан алоқа қилмоқчи бўлсангиз, шу ерда телефон хона бор".

Тил ўқитишнинг бошидан бошлаб, ўқиш малакасини ўргатишдан мақсад, тил ўрганувчиларни чет тилдаги адабиёт билан таништириш эди. Кейинчалик ўқиш тил ўқитишнинг асосий манбасига айланди. Бугунги кунда ҳатто тил малакаларидан фақат ўқиш малакасини ўрганишга қизиқадиган тил ўрганувчилар бор, уларнинг мақсади ўзларининг билим соҳасида янги илмий маълумот ва кашфиётлар билан танишишдир. Бу тил малакаси "кутубхона тили" деб аталади. Бу малакани "олимлар тили" деб аташ маъқулроқ кўринади. Негаки ўрганувчилар олиб бораётган тадқиқотлари бўйича кўпроқ маълумотни қўлга киритиш учун битта ёки бир нечта тилларни ўқиш малакасини шу тариқа касб қиладилар.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари ўқиш малакасини куйидаги мақсадларда ўқитилади: Газета, мактуб (расмий ёки шахсий), эълонлар, йўлланма китобчалари, реклама, шиша, қути ва қадоқланган буюмлар этикеткалари, журнал / телефон китоби, самолет ва поездларнинг ҳаракат жадвали ва кундалик турмушимизда зарур бўладиган шунга ўхшаш

маълумотларни ўқиш учун. Бундай малакани умумлашган ҳолда қуйидаги мақсадларга тақсимлаш мумкин:

- бирон кўзда тутилган мақсад учун маълумот касб қилиш ёки инсон табиатига хос бўлган синчковликни қондириш учун;

- кундалик ишларга ёки касб ва таҳсил билан боғлиқ ишлар бўйича йўлланма олиш учун;

- ёзишмалар орқали дўстлар ва шериклар билан алоқа ўрнатиш;

- олдинда бўладиган ҳодиса ва воқеалардан, шунингдек ҳосил қилиш имкони бўлган нарсалардан хабардор бўлиш. (газета, журнал ва ш.ў. манбалар орқали);

- ҳузур топиш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун

Ўқишни ўргатиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар бу мақсад учун қуйидаги фаолиятларни тавсия қилади:

1. Тил ўрганувчиларнинг қизиқиши ва иштиёқини кўзғотиш учун ўқиш мавзусини уларнинг дастлабки билимларига мосланг. Бунинг учун саволлар беринг, токи ўйлашга мажбур бўлсинлар ва уларнинг ўтмиш тажрибалари жонлансин.

2. Шундай саволлар берингки, унинг жавобини матндан излашга мажбур бўлсинлар.

3. Улардан нотаниш сўзларнинг маъносини тагматн асосида тахмин қилишларини сўранг.

4. Улардан гапларни бир – бири билан боғловчи воситаларни ва бу воситаларнинг вазифасини тушунтириб беришларини сўранг.

5. Ўқишга мўлжалланган матн нима ҳақида эканлигини ва кимларга ёзилганини ва мавзуни қай даражада ёритганини (шарҳлашини, далил келтиришини ва ҳоказоларни) сўранг.

6. Асосий гап қайсилигини сўранг. Бу гапнинг мазмуни нима, бу мавзу қайси гаплар ва қандай тушунчалар билан мувофиқ келади. Матннинг асосий мавзусини бошқа мавзулардан ажратиб турадиган воситалар қайсилар.

7. Муаллиф гапи қайси? Муаллифнинг ҳис – туйғуларини қандай қилиб англаймиз?

8. Тил ўрганувчиларнинг жавобларини уларнинг ўзларига муҳокама қилдиринг.

9. Тил ўрганувчилардан ўқиган матни ҳақида ўз фикрларини ёзиб беришларини сўранг (муаллифнинг назари ва ҳис-туйғулари, ўқиган мавзусига қўшилиши ёки қўшилмаслиги).

10. Ўқитувчи дарс жараёнини қуйидагича ташкил қилиши мумкин, тил ўрганувчиларни уч кичик гуруҳга бўлади ва ҳар бирига матннинг бир қисмини беради. Шундан сўнг мавзуни гапириб беришни (бир гуруҳ), уни тушунтиришни (иккинчи гуруҳ), хулоса қилишни (учинчи гуруҳ) сўрайди.

11. Ўқитувчи матн таркибидаги гапларнинг жойлашув тартибини ўзгартириши ва тил ўрганувчиладан жой – жойига қўйишни сўраши мумкин. Бу машқ тил ўрганувчиларни матндаги изчиллик воситалари ва уларнинг вазифалари билан таништиради.

Бу ерда ўқиш малакасини ошириш ҳақида юритилган баҳсни назарга олиб, ўқиш малакасини ҳосил қилиш учун тил ўрганувчиларнинг талаб – эҳтиёжлари қуйидагилардан иборат деб хулоса қилиш мумкин:



1. *Таянч сўз ва ибораларни билиш.* Матнни ташкил қилган сўзлардан бир қанчаси таянч сўз ҳисобланади. Бу сўзлар матн муаллифининг ният ва маъносини англаш учун асос бўлади. Чунончи, матнда бир қатор нотаниш сўзлар бор бўлиши мумкинки, матннинг маъноси ва муаллифнинг ниятини тушунишга асос бўлолмайди, бу ҳолда бошқача йўсинларни ишлатишимиз керак бўлади. Масалан, тил ўрганувчига уларнинг маъносини матннинг контексти, олдинги гаплар ва матннинг мавзусидан тахмин қилишни сўраймиз ёки бу матнни ўқиш учун бу сўзларга эътибор бермаслигини айтаемиз.

2. *Матн таркибини билиш.* Тил ўрганувчи ўқув материални синтактик усул билан ўзлаштирмоқчи бўлса, матндаги таркиблар ва грамматик қоидаларини билиши керак.

3. *Лексик бир бутунлик ҳолатидан огоҳлик.* Тил ўрганувчи матн таркибидаги гапларни маъно жиҳатдан бир – бирига боғлайдиган тил воситаларини билиши керак.

4. *Ўзаро боғлиқлик тарзидан огоҳлик.* Тил ўрганувчи матннинг маъносига тушуниши учун ўзи ва матн муаллифи ўртасидаги муштарак билимлардан огоҳ бўлиши керак. Бошқача айтганда муаллифнинг тахминларини ва шу асосда баён қилинмай қолган фикрларни билиши керак.

5. Юқорида зикр этилган тўртта ҳолат асосида, ўқитувчи матннинг сарлавҳаси, матннинг ичидаги ишоралар ва тил ўрганувчилар билан савол – жавоблар асосида матн бўйича уларнинг ҳаётий тажрибаларини фаоллаштиради. Шундан сўнг матнни уларнинг эътиборига ҳавола этади, токи тахтада ёзган саволларига жавоб топсинлар ва шу тариқа тил ўрганувчиларнинг ҳар бир билмаган сўзи ва грамматик қоидаси учун ўзини йўқотиб қўйишини олдини олади. Улар бошқа чора излашлари ва саволларга жавоб топиш учун фақат матнга диққатни қаратишларига эришади.





Чет тилини ўқитишда **ёзишни** ўргатиш ўқишга ўргатишга ўхшаб икки мақсадда амалга оширилади: биринчиси тил ўрганувчилар эшитиш ёки ўқиш орқали ўзлаштирган сўз ва грамматик қоидаларни ёзувда ифодалаш ва иккинчидан алоқа ўрнатиш учун. Фақат сўнгги ҳолатда, ўзига хос қоидалар ва нозикликларни ўз ичига олган ёзув малакасини тарбиялаш керак. Бу фаслда ёзишнинг икки хил шаклини батафсил кўриб чиқамиз.

Тил ўрганувчи ўқиш малакаси билан танишган ва ҳарфларнинг ўзаро бир – бирига алоқаси ва товуш билан фарқини тушунган пайтдан бошлаб, форс алифбоси ҳарфларини ёзишни машқ қила бошласа бўлади. Она тилида лотин ҳарфлари ишлатиладиган тил ўрганувчилар, ўнгдан чапга қараб ёзиш қўл ҳаракатини машқ қилишлари керак. Ҳар бир ҳарфни алоҳида ёзишни ва уларни қандай қилиб бир-бирига қўшишни, худди рассом шогирдини қўлидан тутиб ўргатганидай, қўл ҳаракатини ўрганишлари керак. Ҳарфларни ўрганишга бағишланган машқлардан сўнг, тил ўрганувчи алоҳида сўзлар ва сўз бирикмаларини ёзиш билан танишади. Шунини эслатиб ўтиш лозимки, ўқишнинг бошиданок "алиф"дан "ё"гача ҳамма ҳарфларни билиши шарт эмас. Ундан ташқари, алифбо ҳарфларининг тартибини ёд олиши ҳам шарт эмас, балки ўқитувчи масалан фақат "ر" "ز" "و" "د" тўртта ҳарфини ўргатганидан кейин тил ўрганувчилар билан "زر، در، روز، زور، درد، درد" сўзларини машқ қилиши, ҳатто диктант ёздириши мумкин. Шундан сўнг ҳар дарсда бир-икки ҳарфни ўргатиб, тил ўрганувчилар матнлардаги "эшитиш / ўқиш" орқали ўрганган сўзларини машқ қилдириши ва шу сўзлар билан гап тузиши ва диктантни гап сатҳида ўтказиши мумкин.

Ҳарф ва сўзларни ёзишга ўргангандан кейин, тил ўрганувчилар эшитиш, ўқиш ва гаплашув дарсларида ўрганган матнларини кўчириб ёзишлари ва ундаги машқларни ёзма шаклда ҳам бажаришлари мумкин. Шундай қилиб тил ўрганувчилар фақат гапни кўчириб ёзмайдилар, балки янгидан матн тузадилар. Бу ўзгаришларни феъл замонларида ҳам амалга ошириш мумкин. Тил ўрганувчилардан ҳозирги - келаси замон феъл шаклини ўтган замон аниқ шакли билан алмаштиришларини сўраш мумкин. Бу ҳам гапларнинг феъл таркибида нозик ўзгаришларга сабаб бўлади. Сўнг бир абзацдан икки ёки ундан кўпроқ абзацга кўпайтириш мумкин. Шу тарзда ёзув тил ўрганувчи дарс жараёнида ўрганган нарсаларини ёзма ифодалаш учун қўлланади. Аммо алоқа ўрнатиш учун ёзув малакаси боқа бир мавзу бўлиб, қуйида унинг қонун – қоидаларини кўриб ўтамиз.

Алоқа ўрнатиш мақсадидаги ёзишни ёзиш кўникмаси деймиз. Дарсдан ташқари ижтимоий ҳаётда ёзувни турли мақсадларда амалга оширамиз ва уларнинг баъзилари қуйидагилардан иборат:

